

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

345 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2778-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2778-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган қарорларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 май,
270-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат театрлари ва концерт ташкилотларининг мақоми тўғрисида» 1992 йил 13 январдаги 11-сон қарорига иловада:

а) муқаддиманинг тўртинчи ва ўн биринчи хатбошиларидаги, 2-банддаги, 4-банднинг биринчи хатбошидаги, 13, 15-бандлардаги, 17-банднинг «б» кичик бандидаги ва «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10 ва 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 18-банднинг ўн олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«четдан келадиган театр-томоша муассасаларига республика худудида гастролда бўлиш учун гувоҳнома бериш ҳуқуқи фақат Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига (театр ва цирк жамоаларига), Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасасига (эстрада жамоалари ва концерт-филармония жамоаларига) берилди.»;

г) IV бўлимнинг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 августдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирини тайёрлаш ва уни қўплаб чиқариш тартибининг 3-бандидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 мартдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг таянч пунктлари тўғрисидаги низомнинг 13-бандидаги «маданият ва спорт ишлари» сўзлари «маданият, жисмоний тарбия ва спорт» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 23 декабрдаги 618-сон қарорида:

а) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-банддаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

илова номидаги, биринчи ва ўн саккизинчи хатбошилардаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий-маърифий муассасалари, кутубхоналари ва музейлари» сўзлари «Маданият вазирлигининг музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш масалалари ҳақида» 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорининг 5 ва 9-бандларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Бартер асосидаги экспорт-импорт операцияларини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 13 августдаги 280-сон қарорига илованинг 49-позициясидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон кўшиқ байрами тўғрисида» 1996 йил 18 ноябрдаги 403-сон қарорида:

а) 1-банддаги «ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси» сўзлари «вазирлиги» сўзи билан алмаштирилсин.

б) 5-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-иловада:

1-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

«Буюртмалар бериш тартиби» бўлимининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида» 1997 йил 11 мартдаги 132-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида» 1998 йил 5 мартдаги 98-сон қарорида:

а) 1 — 4, 7 — 11 бандлар ҳамда 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-банддаги «ишлари» сўзи чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи сав-

до фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорига 2-илованинг 5-бандидаги «Рухсатнома бериш ваколати бўлган органлар» устунидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 23 мартдаги 131-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 15-модда):

а) 4-банддаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 5, 7, 8 ва 9-бандларидаги, 10-банднинг биринчи хатбошидаги, 11-банднинг биринчи хатбошидаги, 14-банддаги, 15-банднинг учинчи хатбошидаги, 20-банддаги, 25-банднинг биринчи хатбошидаги, 29-банднинг биринчи хатбошидаги ҳамда Низомга (1-илова) 1, 1а ва 2-иловалардаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 10-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисидаги низомга илованинг ўн тўртинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари бажарилишини таъминлаш юкланган давлат бошқаруви органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари рўйхати «Қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши учун масъул бўлган давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг номи» устуни 2-позициясидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон қарорининг 7-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 60-модда) «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида» 2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 45-модда):

а) 3-иловада:

6, 20, 28, 29-бандлардаги, 30-банднинг иккинчи хатбошидаги, 36, 41, 43-бандлардаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

иловада:

1-схемадаги, 1-схемага изоҳларнинг 2, 5, 6 ва 7-бандларидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

2-схемадаги, 2-схемага изоҳларнинг 2, 5, 6 ва 7-бандларидаги, «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 4-илова 4-банднинг биринчи ва учинчи хатбошилардаги, 5-банддаги, 8-банднинг иккинчи хатбошидаги, 11-банддаги, 19-банднинг иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги 315-сон қарори 7-банднинг учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларига тайёргарликни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорига иловада:

а) тўққизинчи хатбошидаги «Ахмедов Б.М. — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири» сўзлари «Муратов М.М. — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) йигирма биринчи хатбошидаги «Матчонов Ж.М. — Тошкент шаҳри маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи» сўзлари «лавозимига кўра — Тошкент шаҳри маданият бош бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

а) 1-илованинг ўн учинчи хатбошидаги «Азизходжаев А.А. — Маданият ва спорт ишлари вазири» сўзлари «Муратов М.М. — Маданият вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 27-илованинг ўн биринчи хатбошидаги «Юнусов К.Т. — Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари «Джураев И. — Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг ўн иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

б) иловадаги «ва спорт» сўзлари чиқариб ташлансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатининг «Масъул давлат органлари» устунда:

а) 29 — 31¹-позициялардаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 85 ва 86¹-бандлардаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПФ–3781-сон Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2006 йил 8 августдаги 168-сон қарорида:

а) 2-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илова 6-бандининг учинчи хатбошидаги, 2-илованинг 5 ва 6-бандларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 8 январдаги 8-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 1-сон, 4-модда) 3-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 2 февралдаги 25-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига кириштириш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11, 13 ва 19-бандларидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом 12-бандининг иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Базавий интерактив давлат хизматлари Реестрининг «Бажариш учун масъуллар» устунда:

а) 48-позициядаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 145 ва 147 позициялардаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 январдаги 10-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Асарлар оммавий ижро этилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисидаги низом 7-бандининг иккинчи хатбошидаги ва II бўлими 12-бандига изоҳдаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларидаги «Маданият ва спорт ишлари» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали жамоатчилик кенгаши ҳамда «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали низомини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 23 августдаги 191-сон қарорида:

а) 4-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илова — «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали жамоатчилик кенгашининг тўртинчи хатбошидаги «Р. Қурбонов — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири» сўзлари «М. Муратов — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали тўғрисидаги низомга 2-илованинг 2 ва 11-бандларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларнинг санъат ва маданият соҳасидаги қобилият ҳамда иқтидорини барвақт аниқлаш, ривожлантириш билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 225-сон қарорида:

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги, шунингдек 1-илованинг 8 ва 11-бандларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

биринчи хатбошидаги «Р. Қурбонов — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири» сўзлари «М. Муратов — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Б. Сайфуллаев — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари «М. Ходжиматов — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Х. Ахмедова — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бошқарма бошлиғи» сўзлари

«Ж. Узаков — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 10-сон, 55-модда):

а) 4-иловада:

1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг тўртинчи, ўн иккинчи, ўн учинчи хатбошилардаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-бандда:

бешинчи, олтинчи хатбошилардаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Спорт мусобақалари босқичларини ташкил этиш учун масъулият тегишли равишда академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари, тўртинчи финал босқичи бўйича эса — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раҳбарлари зиммасига юкланади.»;

7-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловада:

9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

10 ва 14-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида» 2008 йил 31 октябрдаги 237-сон қарорида:

а) 1-илова 8-бандининг биринчи ва учинчи хатбошлардаги, 10-банднинг иккинчи хатбошидаги, 13-банднинг олтинчи хатбошидаги, 19-банддаги, 21-банднинг бешинчи хатбошидаги, 22-банднинг биринчи хатбошидаги, 23-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 9 ва 18-бандларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 292-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент шаҳрида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ер участкалари бериш амалиётини ўрганиш бўйича комиссия томонидан Тошкент шаҳрида ер участкалари бериш ҳақида қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 10-бандининг учинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 февралдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент вилоятида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари бериш амалиётини ўрганиш бўйича комиссия томонидан Тошкент вилоятида ер участкалари бериш ҳақида қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 10-бандининг учинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом 23-бандининг олтинчи ва еттинчи хатбошилардаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом 28-бандининг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «2020 йилгача Бухоро шаҳрининг маданий мерос объектларини тадқиқ этиш, консервация қилиш, реставрация қилиш ва замонавий фойдаланиш учун мослаштириш бўйича давлат дастури тўғрисида» 2010 йил 23 мартдаги 49-сон қарорининг 5-бандидаги, 6-бандининг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарорида:

а) 1-илованинг 8 ва 11-бандларидаги, 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг иккинчи хатбошидаги, 31-банднинг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

5-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан баъзи давлат музейларига тоифалар юқоридаги кўрсаткичлар инобатга олинмаган ҳолда берилиши мумкин»;

8, 9 ва 10-бандлардаги, 11-банднинг иккинчи хатбошидаги, 12-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-илованинг 3, 7, 8 ва 9-бандларидаги, 10-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 11, 12, 15, 16 ва 18-бандлардаги, 19-банднинг биринчи хатбошидаги, 20-банднинг биринчи хатбошидаги, 21-банднинг биринчи ва учинчи хатбошилардаги, 24-банднинг биринчи хатбошидаги, 25-банднинг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 4-илованинг 15-бандидаги, 17-банднинг биринчи ва еттинчи хатбошилардаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 5-илованинг 2, 4 ва 6-бандларидаги, 6-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 6-иловада:

2-банддаги, 5-банднинг бешинчи хатбошидаги, 7-банддаги, 9-банднинг учинчи хатбошидаги, 11 банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Фонд ҳолати устидан давлат назоратини бевосита ёки Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳри маданият бош бошқармаси, вилоятлар маданият бошқармалари, музей коллекцияларига эгалик қилувчи юридик шахсларнинг юқори бошқарув органлари орқали ҳам амалга ошириши мумкин.»;

ж) 7-иловада:

11, 12 ва 13-бандларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

15-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«15. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳри Маданият бош бошқармаси, вилоятлар маданият бошқармалари музей ходимларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлашга босқичма-босқич юбориладиган музей ходимларининг режа-жадвалини ишлаб чиқади ва белгиланган муддатда Маданият вазирлигига тақдим этади.»;

з) 8-илованинг 8²-бандидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарорига 1-илованинг 18-банди учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 23 февралдаги 47-сон қарорида:

а) 1-иловада:

4, 16 ва 17-бандлардаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«6. Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методика маркази (кейинги ўринларда «Марказ» деб аталади) томонидан юритилади.».

в) 2-иловада:

3 ва 7-бандлардаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«5. Тарихий-маданий экспертизани ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методика марказига (кейинги ўринларда «Марказ» деб юритилади), уни ўтказиш Марказ ҳузурида ташкил этиладиган Илмий-методик кенгашга (кейинги ўринларда «Кенгаш» деб аталади) юкланади.».

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда енгил хизмат автомашиналаридан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорига 1-илованинг 11 ва 12-бандлари қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«

11.	Халқ таълими вазирлиги	436	209	18	118	73	215	49
	Марказий аппарат	5	5	4	1	-	-	-
	Вилоят бўлинмалари	28	28	14	14	-	-	-
	Туман бўлинмалари	209	-	-	-	-	209	100
	Идоравий мансуб ташкилотлар	194	176	-	103	73	6	3
12.	Маданият вазирлиги	179	136	20	39	77	28	16
	Марказий аппарат	4	8	4	4	-	-	-
	Вилоят бўлинмалари	14	14	14	-	-	-	-
	Туман бўлинмалари	19	-	-	-	-	19	100
	Идоравий мансуб ташкилотлар	142	114	2	35	77	9	6

».

42. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 8-сон, 70-модда) 1-иловадаги «Б.С. Сайфуллаев — Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари «М. Ходжиматов — Маданият вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Аудио-

визуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низом 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 367-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 91-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 19-бандининг иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

45. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 13-модда) 1-илова 14-бандининг еттинчи хатбошидаги, 2-илова 13-бандининг саккизинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида» 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарорига 2-илова 16-позициясининг «Масъул бажарувчилар» ва «Молиялаштириш манбалари» устунидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

47. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 июндаги 178-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 42-модда):

а) 1-илова 6 — 8, 11, 12, 15, 22 — 27, 29 ва 30-позицияларининг «Бажариш учун масъуллар» устунидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

3-банддаги, 12-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 14-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Марказ юридик шахс ҳисобланмайди ва туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари ҳузурида ташкил этилади ҳамда туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимларига бириктириб қўйилган алоҳида ҳисоб рақамларига эга бўлади.»;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Марказлар қуйидаги шаклларда ташкил этилиши мумкин:

I тип — хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 40 минг нафардан ортиқ бўлган ва камида 400 ўриндиқли томоша залига эга бўлган шаҳарларда ва туман маъмурий марказларида — туман (шаҳар) маркази ҳисобланади;

II тип — хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 20 минг нафардан ортиқ бўлган ва ўриндиқлар сони 250 тани ташкил этадиган томоша залига эга

бўлган шаҳарларда ва туман марказларида, шунингдек қишлоқ жойларда — туман (шаҳар) марказининг филиали ҳисобланади, I типдаги марказ бўлмаган туманларда эса туман (шаҳар) маркази ҳисобланади;

III тип — хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 7 мингдан ортиқ бўлган ва ўриндиқлар сони 150 тани ташкил этадиган томоша залига эга бўлган шаҳарларда ва туман марказларида, шунингдек қишлоқ жойларда — туман (шаҳар) марказининг филиали ҳисобланади.

Бунда шаҳарларда ва туман марказларида хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда I, II ва III типдаги марказлар, қишлоқ жойларда эса — фақат II ва III типдаги марказлар ташкил этилиши мумкин.»;

15-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

16-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«16. Туман (шаҳар) маркази фаолиятига бевосита раҳбарлик унинг директори томонидан амалга оширилади, у айти пайтда туман (шаҳар) маданият бўлимининг мудирини ҳисобланади, марказнинг филиалларига филиал мудирини раҳбарлик қилади, у билан меҳнат шартномасини (контрактни) туман (шаҳар) маданият бўлими тузади».

48. Вазирлар Маҳкамасининг «Ziyonet» таълим ахборот тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 10 июлдаги 198-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда):

а) 37 позициянинг «Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ваколатига эга орган» устундаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

б) XVI бўлимнинг 171 — 176¹-позициялари қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«

171.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ёки спорт иншоотининг паспорти	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ёки спорт иншоотидан фойдаланиш	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси
172.	Тренерлик фаолияти билан шугулланиш учун руҳсатнома	Ўзбекистон Республикаси ҳудудда тренерлик фаолияти билан шугулланиш	
173.	Маданий мерос объектларида тадқиқотлар, қидирувлар ўтказиш, маданий мерос объектларида илмий-консервация ва реставрация ишларини амалга ошириш учун руҳсатнома	Маданий мерос объектларида тадқиқотлар, қидирувлар ўтказиш, маданий мерос объектларида илмий-консервация ва реставрация ишларини амалга ошириш	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
174.	Миллий музей фондига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ўзгаларга бериш ёки уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибидан бир шахсдан бошқа	Миллий музей фондига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ўзгаларга бериш ёки уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибидан бир шахсдан бошқа	

	шахсга ўтиши ёхуд бошқача тарзда бериш учун махсус рухсатнома	шахсга ўтиши ёхуд бошқача тарзда бериш	
175.	Миллий музей фондининг Давлат каталогига музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома	Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш	
176.	Маданий бойликларни очиқ савдога (аукционга) тақдим этишни келишиш	Маданий бойликларни очиқ савдога (аукционга) тақдим этиш	
176 ¹ .	Концерт-томоша тadbирига бир марталик рухсатнома	Концерт-томоша тadbирларини ўтказиш	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси

».

50. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 30 сентябрдаги 267-сон қарорига 1-илованинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 9-сон, 68-модда) ўн олтинчи хатбошидаги «Ф. Джалалов — Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари «М. Ходжиматов — Маданият вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларининг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 12-сон, 93-модда):

а) 1-илованинг 17-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири, Тошкент шаҳри маданият бош бошқармаси, вилоятлар маданият бошқармалари бошлиқлари;»;

б) 2-илованинг 16-бандидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг «Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни куриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чоратadbирлар дастури тўғрисида» 2014 йил 20 февралдаги 31-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошидаги, 8-илованинг бешинчи ва ўн учинчи хатбошилардаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 мартдаги 53-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-банднинг тўққизинчи хатбошидаги, 4-банддаги, 5-банднинг иккинчи хатбошидаги, 27-банднинг еттинчи хатбошидаги, 28-банднинг учинчи хатбошидаги, 36-банднинг иккинчи хатбошидаги, 40-банднинг еттинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

Низомга илованинг «Субъектлар» устуни, «2-босқич», «4-босқич» ва «6-босқич» қаторида, «Тадбирлар» устуни «1-босқич» ва «5-босқич»да «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

б) 2-иловада:

иккинчи хатбошидаги «Ходжиматов М.М. — Маданият ва спорт ишлари вазири, комиссия раисининг ўринбосари» сўзлари «Муратов М.М. — Маданият вазири, комиссия раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошидаги «Мансуров Р.А. — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби» сўзлари «Иргашев А. — Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби» сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 21 июлдаги 200-сон қарорида:

а) 2-банднинг олтинчи хатбошидаги ва 3-банднинг барча матнидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

иккинчи хатбошидаги «Ахмедов Б.М. — Маданият ва спорт ишлари вазири, комиссия раисининг ўринбосари» сўзлари «Муратов М.М. — Маданият вазири, комиссия раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбошидаги «Заиров Ш.Ш. — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби» сўзлари «Иргашев А. — Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова 3-бандининг олтинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 3, 4 ва 5-иловалардаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 6-илованинг номидаги, 1, 2 ва 3-бандларидаги, 7-банднинг бешинчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилардаги, 10, 11, 14, 15, 18, 21, 27, 28-бандларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 7-илованинг 2-позициясидаги «Бажариш учун масъуллар» устундаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

55. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги 231-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Худудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 15-бандининг 4-кичик бандидаги, шунингдек Низомга 1-иловадаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги «Ёшлар маданият ва санъат маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 232-сон қарорида:

а) 4-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 9-банддаги «ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан биргаликда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «вазирлиги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Вазирлар Маҳкамасининг «Тарихий, бадий ёки ўзга маданий қимматлилиги туфайли гаров ва ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 5 декабрдаги 335-сон қарорининг 3-бандидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

58. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат санъат музейи биносини реконструкция қилиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида» 2014 йил 23 декабрдаги 359-сон қарорининг 8 ва 9-бандларидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

59. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 12-сон, 137-модда) билан тасдиқланган Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илованинг 11-позициясидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

60. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги танлови тўғрисидаги низом 15-бандининг бешинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

61. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 10 мартдаги 52-сон қарорида:

а) 1-илованинг ўн биринчи хатбошидаги «Ахмедов Б.М. — Маданият ва спорт ишлари вазири в. в. б.» сўзлари «Муратов М.М — Маданият вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг тўққизинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

62. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни

ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарорига 2-илованинг 7-бандидаги «Ахмедов Б.М. — Маданият ва спорт ишлари вазири» сўзлари «Муратов М.М. — Маданият вазири» сўзлари билан алмаштирилсин.

63. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом 19-бандининг еттинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

64. Вазирлар Маҳкамасининг «Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 9 декабрдаги 354-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 12-сон, 106-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги ва 7-банднинг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири хузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси»;

в) 8-банддаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири хузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 9-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлар вазири хузуридаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири хузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1-иловада:

2-банддаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири хузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «камида 1 йил» сўзлари «камида 3 ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

41-бандда:

учинчи хатбошидаги «Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

еттинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

42-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат божи бир йўла тўланганда ёки давлат божи бир йилга тўланганда йил чорагида (чоракларида) фойдаланилмаганлиги учун давлат божининг фойдаланилмаган суммасини қайтариш лицензиатнинг ёзма аризаси асосида тўловни қайтариш тўғрисидаги ариза берилган санадан бошлаб ўттиз иш куни мобайнида амалга оширилади.»;

44-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«44. Лицензия талабгорлари ва лицензиатларнинг аризалари кўриб чиқилганлиги учун тушган маблағлар лицензияловчи органнинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаб туришга йўналтирилади.»;

45-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

Низомга 1-илованинг «Субъектлар» устунда «2-босқич», «4-босқич», «6-босқич»да, «Тадбирлар» устундаги «1-босқич» ва «2-босқич»да «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг сўзлари тегишли равишда «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ва «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг сўзлари билан алмаштирилсин.»;

Низомга 3 ва 4-иловалардаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ва «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг сўзлари билан алмаштирилсин.»;

е) 2-илованинг изоҳларида:

қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Пенсионерлар, I ва II гуруҳ ногиронлари концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат божларидан озод қилинади.»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ж) 3-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин.»;

Низомга 3-4-иловалардаги «Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин.»;

Низомга 5 ва 6-иловалардаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси сўзлари «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси сўзлари билан алмаштирилсин.»;

Низомга 7-иловада:

2 ва 5-бандлардаги «Ўзбекнаво» ЭБ» сўзлари «Ўзбекконцерт» ДМ» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

65. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 январдаги 3-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудларини ривожлантириш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илованинг 4-позициясидаги «Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар» устундаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

66. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент

шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳузуридаги Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи хизмати тўғрисидаги низом 2-бандининг еттинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

67. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 5-сон, 39-модда) билан тасдиқланган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низом 4-бандининг иккинчи хатбошидаги, 11-бандидаги, 13-бандининг иккинчи хатбошидаги, 19-бандининг биринчи хатбошидаги, 59-бандидаги, 60-бандининг биринчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўзлари «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин.

68. Вазирлар Маҳкамасининг «2016 — 2020 йиллар даврида Тошкент ҳайвонот боғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 20 майдаги 163-сон қарорида:

а) 8-банднинг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илова 18-бандининг биринчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-илованинг 2, 3, 7, 8, 15-позицияларнинг «Масъул вазирлик ва идоралар» устунидаги ва 7-позициянинг «Молиялаштириш манбалари» устунидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

69. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон Ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 августдаги 262-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 8-сон, 78-модда) 1-илованинг «Вазирликлар» бўлими 8-бандидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

70. Вазирлар Маҳкамасининг «Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 12 августдаги 263-сон қарорига илованинг 5-позицияси «Масъуллар» устунидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

71. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарорига 1-илованинг 21-бандидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси раҳбарлари тўғрисида» 1996 йил 11 апрелдаги 142-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 26 апрелдаги 163-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 4-сон, 13-модда).
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 21 февралдаги 101-сон қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 22 майдаги 223-сон қарори.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2001 йил 6 августдаги 330-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 45-модда).
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 22 майдаги 223-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2002 йил 31 майдаги 190-сон қарори.
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 6 июлдаги 157-сон қарорига илованинг 4 ва 6-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 192-модда).